

Росуллоҳнинг қиличлари, совутари, дубулға ва саллаларининг сифати.

باب ما جاء في صفة سيف رسول الله ودرعه وصفة مغفره

وما جاء في عمامته صلى الله عليه وسلم

[Ўзбекча – Uzbeking – الإوزبكي]

Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

باب ما جاء في صفة سيف رسول الله ودرع و صفة مغفره

وما جاء في عمامته صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

ترجمة: عبد الله شريف

مراجعة: شمس الدين درغاي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله العزيز الغفار والصلاة والسلام على نبيه المختار وعلى آله الطهار وأصحابه الأبرار وأتباعه الأخيار
الذين يتبعونه بإحسان إلى يوم القرار.

أما بعد:

Ушбу дарсда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличлари, совут кийимлари, дубулға ва саллаларининг сифатини ифода қилувчи ҳадисларни тўплаган боблар баён қилинади.

(18) باب ما جاء في صفة سيف رسول الله وفيه (5) أحاديث

18- Боб

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиличлари баёни.

Қиличлари ҳақида ривоят қилинган ҳадисларни жамлаган бобда, имом Термизий бешта ҳадис зикр қилган эканлар.

105 - حدثنا محمد بن بشار حدثنا وهب بن جرير حدثنا أبي عن قتادة عن أنس قال كانت قبعة سيف رسول الله من فضة

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличларининг дастагининг бош қисми кумушдан эди.

Изоҳ: Яъни қилични ушлайдиган тарафининг охириги қисми кумушдан бўлган экан. Одатда у ушланадиган ўрин темир, ёки кумуш билан безалар экан.

106 - حدثنا محمد بن بشار حدثنا معاذ بن هشام ثنا أبي عن قتادة عن سعيد بن أبي الحسن البصري قال كانت قبعة سيف رسول الله من فضة

Саид ибн абул Ҳасандан ривоят қилинишича у зот айтадилар: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличларини дастагининг бош қисми кумушдан эди.

Изоҳ: Бу икки ҳадисни Абу Довуд "Сунан"ларида муаллифнинг ўзлари ҳам "Сунан"ларида ривоят қилишган экан. Шайх Албонийнинг айтишларича икки ҳадис ҳам саҳиҳдир.

107 - حدثنا أبو جعفر محمد بن صدران البصري حدثنا طالب بن حجر عن هود وهو ابن عبد الله بن سعيد عن جده قال : دخل رسول الله مكة يوم الفتح وعلى سيفه ذهب وفضة قال طالب فسأته عن الفضة فقال كانت قبعة السيف فضة.

Ибн Абдуллоҳ ибн Саъд боболаридан ривоят қилиб айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳ куни Маккага кирганларида, қиличларида тилло ва кумуш бор эди, яъни тилло ва кумуш билан безатилган эди. Толиб айтадики: мен ундан кумушни сўрадим, у кумуш дастакнинг бошида эди, - деб жавоб қилди.

Изоҳ: Муҳаддис уламолардан бири имом Заҳабий "Мезон" - деб аталган китобларида тиллони бу ҳадисда зикр қилиниши мункардир. Биз Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличларида тилло бўлганлигини билмаймиз дейдилар. Мункар деган сўзлари ҳадис фанидаги мусталаҳ илмига оид термин бўлиб, биз тушунган ёмон ёки гуноҳ иш тушунилмайди, балки унинг маъноси, ривоятда заиф деб танилган киши, саҳиҳ ривоят қиладиган кишиларга хилоф равишда ривоят қилиб қўйса,- яъни ҳаммалари бир нарсани худди келишиб олгандек бир хил ҳикоя қилсалару, бу ровий келиб улар айтган нарсага зид сўзласа,- у ривоят қилган ҳадис мункар ҳисобланади. Хулоса шуки мункар ҳадис заиф ҳадислар туркиmidан бўлиб, унга амал қилиши жоиз эмас.

108 - حدثنا محمد بن شجاع البغدادي حدثنا أبو عبيدة الحداد عن عثمان بن سعد عن ابن سيرين قال

صنعت سيفي على سيف سمرة بن جندب وزعم سمرة أنه صنع سيفه على سيف رسول الله وكان حنفيا

Тобиинлардан ибн Сирийн раҳимахуллоҳдан ривоят қилинади айтадиларки: Қиличимни Самура ибн Жундабнинг қиличлари шаклида ясаб олдим. Чунки у зот қиличимни Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличлари шаклида ясаганман ва у қилич ханафий эди. - дедилар.

Изоҳ: Уламолар бу исмда икки хил ўқиш жоиз Жундаб ва Жундуб -дейдилар. Ханафий эса, Мусайламанинг қабиласи бўлмиш Бани Ҳанифа қабиласининг қиличлари шаклида бўлишидир. Чунки бу қабила қилич ясаишда жуда моҳир эди. Бу қилични ҳам ўша қабилага мансуб киши ясаб берган экан.

109 - حدثنا عقبه بن مكرم البصري ثنا محمد بن بكر عن عثمان بن سعد بهذا الإسناد نحوه

Бу ҳадис ҳам худди аввалги ҳадиснинг ўзидир. Бу ўқилган учта ҳадисларнинг иснодларини уламолар заиф дейдилар. Аммо ҳадисларнинг асли саҳиҳдир.

Термизий уларни ривоят қилишларида бир қанча биз билган ва билмаган мақсадлар бор. Масалан шу ривоятларни ёш тажрибасиз толиби илм бирор китобда иснодалари заифдир деб учратиб қолса унинг матнини ҳам бутунлай заифга чиқариб қўйиши мумкин, ёки акс ҳолат бўлиши ҳам эҳтимолдан холий эмас.

(15) باب ما جاء في صفة درع رسول الله وفيه (2) حديثان

15- Боб

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг совутларининг сифати баёни.
Бу бобда иккита ҳадис ривоят қилинади.

110 - حدثنا أبو سعيد عبدالله بن سعيد الأشج حدثنا يونس بن بكير عن محمد بن إسحاق عن يحيى بن عباد بن عبدالله بن الزبير عن أبيه عن جده عبدالله بن الزبير عن الزبير بن العوام قال كان على النبي يوم أحد درعان فنهض إلى الصخرة فلم يستطع فأقعد طلحة تحته فصعد النبي حتى استوى على الصخرة قال فسمعت النبي يقول أوجب طلحة

Бу ҳадисни Зубайр ибн Аввом ривоят қиладилар: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Уҳуд куни устларида иккита совут кийим бор эди. У зот катта бир тошга чиқмоқчи бўлдилару, лекин чиқа олмадилар. Шунда Толҳа келиб остиларида эгилиб турди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам уни устидан ҳалиги тошга чиқиб олдилар. Зубайр айтадиларки: Мен шунда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни Толҳа (*жаннатни ўзига*) вожиб қилди. - деганларини эшитдим.

Изоҳ: Қандай улуг башорат! Фараз қилинг ўша ерда сиз мана шу шарафли хизматга муваффақ бўлиб қолсангиз, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам сизга бу жаннат башоратини марҳамат қилсалар, қандай қувончга тўласан киши! Бу буюк саҳоба Толҳа ибн Убайдуллоҳ жаннат башорати берилган ва шўро воқеасида Умар розияллоҳу анҳунинг васиятларига кўра халифаликка номзод бўлган олти кишининг бири бўлган эдилар. Ҳижратнинг ўттиз олтинчи йили олтинчи тўрт ёшларида жамал маъракасида вафот этганлар.

111 - حدثنا ابن أبي عمر حدثنا سفيان بن عيينة عن يزيد بن خصيفة عن السائب بن يزيد أن رسول الله كان عليه يوم أحد درعان قد ظاهر بينهما

Соиб ибн Язиддан ривоят қилинади у зот айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уҳуд куни икки совут кийим -бирини ичларидан, иккинчисини устларидан- кийиб олган эдилар.

Изоҳ: Бу икки ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг совут яъни урушда кийиладиган темир ҳалақаларидан иборат бўлган кийим кийганликларига ишора қилинмоқда, албатта ҳар бир иш учун сабабларини таёрлаб қўйиши таваккулга хилоф эмас, масалан биров Оллоҳ сақлайди деб, қуроли бўла туриб, уни қўлига олмай, жанг майдонига кириши дуруст эмас, бундан таишқари уламолар бундай кийиниши, кишини уруш майдонига дадил олиб бориб, натижада кўп жасоратлар кўрсатиши ва катта-катта қаҳромонликлар қилишига сабаб бўлиши мумкин. - дейдилар.

باب ما جاء في صفة مغفر رسول الله وفيه (2) حديثان

Росулulloҳнинг дубулғалари ҳақидаги боб

112 - حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا مالك بن أنس عن ابن شهاب عن أنس بن مالك أن النبي دخل مكة وعليه مغفر فقبل له هذا ابن خطل متعلق بأستار الكعبة فقال اقتلوه

Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага бошларидаги дубулға билан кирдилар, у кишига Ибн Хатал каъбапўштга осилиб турибди! - дейилди. Шунда ўлдиришлар! уни - дедилар.

Изоҳ: Ҳадисда иккита асосий масала бор. Биричиси: Исломга жуда кўп азиятлар берган кишининг тақдири бўлиб, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уни кечирмадилар. Сабаби у аввал исломга кириб, кейин муртад бўлган ва қўл остидаги бир мусулмон кишини ўлдирган экан ва Каъбага келиб унинг пардасига осилганда ҳам исломга кирганлигини ифода этадиган сўз сўзламаган экан. Муртад ўлимга маҳкумдир. Иккинчи масала: Уламолар ўрталарида Макка фатҳи сулҳ билан фатҳ қилиндими? ёки уруш йўли биланми?- деган ихтилофдир. Уруш йўли билан деганлар мана шу ҳадисни ҳам далил қилиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага бошларига уруш аломатини билдирадиган дубулға кийиб кирдилар. Бу Макка фатҳининг уруш орқали фатҳ қилинганлигига ёрқин ва кескин далил бўла олади. - дейдилар.

113 - حدثنا عيسى بن أحمد ثنا عبد الله بن وهب ثنا مالك بن أنس عن ابن شهاب عن أنس بن مالك أن رسول الله دخل مكة عام الفتح وعلى رأسه المغفر قال فلما نزعاه جاءه رجل فقال له ابن خطل متعلق بأستار الكعبة فقال اقتلوه قال ابن شهاب وبلغني أن رسول الله لم يكن يومئذ محرما

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади. Айтадиларки: Росулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам Макка фатҳ қилинган куни Маккага бошларидаги дубулға билан кирдилар. Уни бошларидан ечганларида, бир киши келиб Ибн Хатал каъбаўштга осилиб турибди! –деди. Шунда Росулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўлдиришлар! уни – дедилар. Ибн Шихоб айтадиларки: Менга етиб келишича Пайғамбар саллalloҳу алайҳи васаллам ўшанда эҳромсиз бўлган эканлар.

Изоҳ: Бу ҳадисда яна уламолар ўрталарида ихтилофлик масалалардан бири бўлган Маккага эҳромсиз кириш масаласи бор. Аксарият уламолар Макка ерига эҳромсиз кириш мумкин эмас, - деб, фақат мана бундай зарурат ўринлардагина рухсат берадилар. Биз уламолар деб, ижтиҳод шартларини ўзларида мукамал қилган мухтаҳидларни назарда тутаямиз. Албатта бу уламолар ҳадислар тақозо қилган маъноларни таҳлил қилиб, унинг мақсад ва мазмунларини аниқлашда бир-бирлари билан тортишиб, гоҳо бир бирларини танқид қилишларида, ислом уммати учун жуда катта манфаъатлар бор. Чунки улар улкан илмлари туфайли илмий баҳслар қилишиб, кўп муаммоларни ечиб ҳақиқатга етишадилар ва ислом умматига бу масалаларни гўзал ва осон услубларда етказадилар. Аммо бундай ижтиҳод даражасига етишмаган, Қуръон ва ҳадисларнинг мазмуни у ёқда турсин, араб тилини яхши мукамал билмаган, чала саводларнинг бир-бирлари билан тортушувлари, ислом уммати учун офатдан бошқа нарса эмасдир. Оллоҳ таоло ўзи бундай офату балолардан сақласин.

(17) باب ما جاء في عمارة النبي وفيه (5) أحاديث

Пайғамбар саллalloҳу алайҳи васаллам бошларига салла ўрашлари ҳақида келган ҳадислар боби.

114 - حدثنا محمد بن بشار ثنا عبدالرحمن بن مهدي عن حماد بن سلمة (ح) وثنا محمود بن غيلان ثنا وكيع عن حماد بن سلمة عن أبي الزبير عن جابر قال دخل النبي مكة يوم الفتح وعليه عمامة سوداء

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилиниб айтадиларки: Росулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам фатҳ куни Маккага қора салла ўраган ҳолда кирдилар. Бу ҳадис қора салла ўраш жоизлигига ҳужжатдир. Аббосийлар хилофатга ўлтирган чоғларида қора кийинишни давлат рамзи қилган эдилар.

115 - حدثنا ابن أبي عمير ثنا سفيان عن مساور الوراق عن جعفر بن عمرو بن حريث عن أبيه قال رأيت على رأس رسول الله عمامة سوداء

Жаъфар ибн Амр ибн Хурайс оталаридан ривоят қиладилар: Отлари мен Пайғамбар саллalloҳу алайҳи васалламни қора салла ўраб одамларга, минбар устида туриб хутба қилганларини кўрганман - дейдилар.

116- حدثنا محمود بن غيلان ويوسف بن عيسى قالا ثنا وكيع عن مساور الوراق عن جعفر بن عمر بن حريث عن أبيه أن النبي خطب الناس وعليه عمامة سوداء

Бу ҳадис ҳам худди аввалги ҳадиснинг ўзгинасидир фақат ровийларда фарқ қилади. Буниинг сабабини аввалги дарсларимизда айтиб ўтганмиз.

117- حدثنا هارون بن إسحاق الهمداني ثنا يحيى بن محمد المدني عن عبدالعزيز بن محمد عن عبيدالله بن عمر عن نافع عن ابن عمر قال كان النبي إذا اعتم سدل عمامته بين كتفيه قال نافع وكان ابن عمر يفعل ذلك قال عبيدالله ورأيت القاسم بن محمد وسالما يفعلان ذلك

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади у киши айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам агар салла ўрасалар унинг печини икки кураклари ўртасидан орқага тушириб олар эдилар. Нофеъ айтадиларки: Ибн Умар ҳам шундай қилар эдилар. Убайдуллоҳ эса Қосим ибн Муҳаммадни ва Солимни ҳам шундай қилганликларини кўрганман. - Дейдилар.

118- حدثنا يوسف بن عيسى ثنا وكيع ثنا أبو سليمان وهو عبدالرحمن بن الغسيل عن عكرمة عن ابن عباس رضي الله عنهما أن النبي خطب الناس وعليه عصاة دسماء

Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам қора салла ўраб одамларга хутба қилдилар.

Изоҳ: Демак бу ҳадислардан қора салла ўраш ҳам суннатлиги келиб чиқиб кимда ким қора салла ўраса маломат қилинмайди. Дарсимиз охирида Оллоҳ таолодан бизларни ўқиган ва эшитган суннатларга эргашишни сўраб, ҳақ йўлда собит қадам қилишни тилаб қоламиз.

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين.